O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATA
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 2000 йил 23 август, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 66 (7261)

Da'vat

Биз БМТ Хавфсизлик Кенгаши, ЕХҲТ, Ислом Конференцияси Ташкилотига, дунёнинг барча мамлакатларига яна бир бор мурожаат этиб, халқаро террорчилик ва экстремизмни фақат кескин қоралаш билан чекланиб қолмай, балки қуруқ баёнотлардан ушбу глобал тахдидни таг-томири билан суғуриб ташлашга йўналтирилган мувофиқлаштирилган амалий ҳаракатларни ишлаб чиқишга даъват этамиз.

(Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси давлат раҳбарлари ва Россия Федерацияси Президенти махсус вакилининг Баёнотидан)

Ibrat

Тошкент Ислом университети жамоасининг яқиндан берган ёрдами боис Бўстонлиқ туманидаги 3-ўрта мактаб ўқувчилари учун янги компьютер хонаси жиҳозланди.

БИЗНИ ҲЕЧ КИМ ЕНГОЛМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримов 22 август куни Сурхондарё вилоятининг халқаро террорчиларни тугатиш операцияси давом этаётган Сариосиё ва Узун туманларида бўлди.

Президент Ислом Каримов Сурхондарёга йўл олар экан, самолётда журналистлар билан мулоқотда бўлди. Мамлакатимиз раҳбари суҳбат чоғида халқаро террорчиларнинг Ватанимизга суқилиб киришга уринишдан кўзлаган мақсадлари ва уларни хорижда қўллаб-қувватлаётган кучлар ҳақида тўхталди. Босқинчиларнинг асосий мақсади халқимизнинг осойишта ҳаётига рахна солиш, бизни қатъий танлаган йўлимиз – демократик жамият қуриш, амалга ошираётган ислоҳотларимиз йўлидан оғдириш, иродаси заифроқ кишиларнинг кўнглида ваҳима туғдиришдир.

Маълумотларга қараганда, халқаро террорчилар ана шундай ёвуз ниятларига етиш учун кичик-кичик гуруҳларга бўлиниб, қўшни Тожикистоннинг тоғли ҳудудлари орқали мамлакатимизга суқилиб кирмоқчи бўлган.

Гарчи, деб таъкидлади Президент Ислом Каримов, Тожикистон давлати мазкур террорчиларнинг юртимизга ўз ҳудуди орқали ўтганини инкор этаётган бўлса-да, бу ҳар томонлама исботини топмоқда. Лекин биз бундай вазият юз бергани учун барча айбни қардош Тожикистон Республикаси ҳукумати зиммасига юклаш ниятидан йироқмиз. Чунки Тожикистон узоқ давом этган беқарорликлардан кейин эндигина нафас ростламоқда. У ерда ижтимоий-сиёсий ҳаёт ҳали барқарор изга тўла тушганича йўқ.

Мамлакат ҳудудида террорчилар борлигидан Тожикистон ҳукумати хабардор. Лекин ҳозирча ҳукумат вазиятни ўз назоратига тўла олганича йўқ. Шундай экан, биз халқаро террорчиларга қарши Тожикистон ҳукумати билан биргаликда кураш йўлларини ахтаришимиз ва айни чоғда, асосий эътиборимизни ўз чегараларимизни мустаҳкамлашга қаратмоғимиз лозим. Чегараларимизнинг муайян қисми баланд тоғлар ва чуқур даралардан ўтиши биз учун бу ишда

тўсиқ бўлолмайди.

Президент Ислом Каримов террорчиларга қарши курашда Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқ меъёрларига қатъий амал қилишини алоҳида таъкидлади. Ҳар қандай террорчилик ҳаракатлари шафқатсиз равишда бостирилади.

Президент Ислом Каримов халқаро терорчиларга қарши курашаётган Бирлашган Қуролли Кучларнинг Сариосиё аэропортидаги штабида бўлиб, жанговар ҳаракатларда иштирок этаётган аскар ва офицерлар билан суҳбатлашди.

Юртбошимиз, аввало, босқинчиларга қарши курашаётган ҳарбийларнинг кайфияти, қурол-яроғи, яшаш шароити билан қизиқди. Аскар ва офицерларимиз ҳар қандай қалтис вазиятда қатъий ишонч билан, дадил ҳаракат қилмоғи лозим. Бунинг учун уларнинг қурол-яроғи ва кийим-боши, бошқа анжомлари ҳам талабга тўла жавоб бера оладиган бўлиши керак. Биз ўзимизнинг янги, миллий армиямизни барпо этмоқдамиз, деди жумладан Ислом Каримов. У энг замонавий қуроллар билан таъминланган, шиддаткор, куч ва билимда, маҳоратда ҳеч кимдан қолишмайдиган аскар ва офицерлардан ташкил топаётир.

Шуни унутмаслик керакки, жангарилар хориждаги террорчилар тайёрланадиган махсус лагерларда яхши тайёргарликдан ўтган, замонавий қуроллар билан қуролланган. Биз буни ҳеч қачон унутмаслигимиз ва армиямизни доим шай ҳолда тутишимиз зарур, деди Юртбошимиз.

Чаён, барибир чаёнлигини қилади. Осойишталигимизни бузмоқчи бўлаётган жангариларни ҳам ана шундай чаёнлар тўдаси дейиш мумкин. Лекин бизни ҳеч ким қўрқитолмайди ва енголмайди. Биз тинч ҳаётимизни заҳарламоқчи бўлган газандаларга шундай зарба берайликки, токи бу уларнинг хорижда ўтирган раҳнамоларига ҳам сабоқ бўлсин.

Олий Бош Қўмондон Бирлашган Қуролли Кучлар штаби аъзолари билан мавжуд вазият, амалга оширилаётган тозалаш операциясининг бориши ҳақида суҳбатлашди. Асосий мақсад мазкур операцияни тезроқ тугатишга эмас, балки қурбон бермасдан якунлашга қаратилиши лозим, деб таъкидлади Президентимиз.

Мусулмон НАМОЗОВ,
ЎзА мухбири.

Тошкент — Термиз — Сариосиё — Тошкент

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш ва ходимларнинг оддий шароитларини яхшилаш, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2000 йил 1 сентябрдан бошлаб:

академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари, педагог ва ўқув-ёрдамчи ходимлари учун улар лавозим маошларини меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткаси бўйича бир разрядга ошириш ҳисобига лавозим маошларининг янги миқдорлари белгилансин;

академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларининг ягона йиллик ўқув юкламаси йилига 640 соат миқдорида белгилансин;

академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг ўқув-тарбия жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган ходимлари, педагог ходимлари, психологлари ва ишлаб чиқариш таълими усталари учун лавозим маошининг 25 фоизи миқдорида ҳар ойлик устама белгилансин. Устама Давлат бюджети маблағлари ҳисобига тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткаси бўйича янги разрядларини бир ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги кўрсатиб ўтилган мақсадлар учун зарур бюджет маблағлари ажратилишини назарда тутсин.

3. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 27 майдаги 255-сон қарорига 1-илова 15-бандининг;

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 сентябрдаги 490-сон қарорига 2-илованинг 1-банди "в" кичик бандининг академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларига оид қисми ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.Азимов ва Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси И.Каримов

Тошкент шаҳри,
2000 йил 21 август

МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ БЕҚАРОРЛИКДАН КИМЛАР МАНФААТДОР?

Бишкек шаҳрида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ҳам қатнашди.

Сир эмаски, сўнгги йилларда бутун дунёда хавфсизлик масаласининг долзарблиги тобора ошиб бормоқда. Оммавий ахборот воситаларида қайсидир мамлакатда экстремистик кайфиятдаги ташкилот томонидан амалга оширилган террорчилик ёки давлат тўнтариши, исёну ғалаёнлар бошлангани, диний, сиёсий асосдаги ёки ирқий келишмовчилик туфайли келиб чиқаётган можаролар, фуқаролар уруши ҳақида деярли ҳар куни хабар тарқалади.

Барқарор ҳаётни муҳофаза қилиш масаласи Марказий Осиё давлатлари учун ҳам ғоят долзарбдир. Бир ярим йил аввал Тошкентда юз берган портлашлар, ўтган йили Қирғизистоннинг Боткен туманида рўй берган воқеалар, яқинда Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятидаги Сариосиё ва Узун туманларига, шунингдек, Қирғизистон жанубига қилинган хуружни бу фикрнинг тасдиғи, дейиш мумкин.

Сўнгги бир йил ичида кечган воқеаларни теран кузатган киши шундай хулосага келадики, халқаро террорчилар ўзларининг Марказий Осиёга хуружларига сурункали тус беришга, уларнинг раҳнамолари эса минтақанинг дунёвий давлат қуриш йўлини танлаган мазкур мамлакатларида барқарорликни издан чиқаришга қаратилган саъй-ҳаракатларини фаоллаштиришга уринмоқда. Бу Бишкек учрашувида бир неча бор алоҳида таъкидланди. Президентлар Марказий Осиё халқаро террорнинг асосий нишонига айланган минтақалардан бири бўлиб қолаётганини таъкидлади. Шу муносабат билан халқаро террорчилик, диний ва сиёсий экстремизм каби иллатларга қарши курашда қўшма чора-тадбирлар қўллаш ҳақида ўзаро келишиб олинди.

Ўтган йили террорчилар Қирғизистон жанубига бостириб кирганида, минтақа давлатлари ўртасида террорга қарши баҳамжиҳат курашиш механизми ҳали тўла ишлаб чиқилмаган эди. Очиғини айтганда, қўшниларимиз террорни ўзи учун хавфсиз, деб тушунар, унинг на давлат, на миллат танламаслигини барча ҳам тўла англаб етмаганди. Қўшни мамлакатга солинган тахдидга бепарволик оқибатида Қирғизистон жанубида шундай воқеа юз берди. Мамлакат ҳарбийлари ҳам бундай хуружларга тайёр эмаслиги сезилиб қолди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Президенти Марказий Осиёнинг бирор давлатига солинган тахдид бутун минтақадаги барқарорликни хавф остига қўйишини қайта-қайта айтиб келади. Қўшниларимиз, хусусан, Қирғизистон раҳбарияти ҳам буни Боткен воқеаларидан кейин янада теран англади ва эътироф этди. Ўтган бир йил ичида бундай босқинларни даф қилишга тайёргарлик борасида анча ишлар қилинди. Бундай саъй-ҳаракатларнинг самарасини бу йилги хуружлар қандай тез бостирилганида кўриш мумкин.

Маълумки, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан шу йил 20-21 апрел кунлари Тошкентда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарларининг учрашуви ўтказилган эди. Саммитда хавфсизлик масаласига алоҳида эътибор қаратилган ва Халқаро террорчилик, диний ва сиёсий экстремизм, уюшган жиноятчилик, минтақа барқарорлигига тахдид солувчи бошқа омилларга қарши ҳамкорликда кураш тўғрисида шартнома имзоланган эди. Бишкек учрашуви ана шу саммитнинг узвий давоми бўлди. Бу галги учрашувда Россия томонидан ушбу мамлакат хавфсизлик кенгаши котиби С.Иванов ҳам қатнашди. Бунинг сабаби шундаки, Марказий Осиё, Чеченистон ва Афғонистонда кечаётган воқеалар ягона занжирнинг халқаларидир. Ҳаммасининг ортида минтақа давлатларидаги конституциявий тузумни ағдариш ниятида бўлган кучлар турибди. Улар ўзларининг ёвуз кирдикорларини турли ғоялар билан оқлашга уринмоқда. Бишкек учрашуви қатнашчилари бундай кучларга қарши қатъий курашиш фурсати етганини таъкидлади.

Томонлар матбуот анжуманида бу борада якдил эканликларини билдирди. Бу Бишкек учрашуви ниҳоясида қабул қилинган Баёнотда ҳам ўз аксини топди.

Учрашув қатнашчилари Афғонистондаги воқеаларга алоҳида эътибор қаратгани бежиз эмас. Бу мамлакатда 20 йилдан ортиқ вақт мобайнида фуқаролар уруши давом этяпти. Бундай урушдан кимлар манфаатдор, деган табиий савол туғилади. Албатта, оддий халқ урушни истамайди. Бу хунрезликлар ортида наркобизнес, қурол-яроғ контрабандаси билан шуғулланувчи ёвуз кучлар турибди. Матбуот анжуманида Президент Ислом Каримов Ўзбекистонда куни кеча баҳоси 4 миллион АҚШ долларига тенг 450 килограмм гиёҳванд модда қўлга олинганини айтди. Ўтган йили эса БМТ вакиллари гувоҳлигида мамлакатимизда 1700 килограмм соф героин ёқиб юборилган. Бу рақамлар шундан далолат берадики, наркобизнес раҳнамолари Марказий Осиёда беқарорлик келтириб чиқариб, ўзлари учун "жаҳон бозори"га чиқадиган қулай йўл очмоқчи. Уларнинг кўрсатмаси билан бир гуруҳ ёлланма босқинчилар томонидан амалга оширилаётган қўпорувчиликлар эса улуғ ғоялар ниқобига ўралмоқда.

Террор хавфини бутқул йўқ қилиш учун унинг томирини, манбасини йўқ қилиб ташлаш керак. Афғонистонда наркотик етиштирилишидан ташқари, террорчилар тайёрланадиган лагерлар ҳам мавжудлиги ҳозир ҳеч кимга сир эмас. "Толибон" назорати остидаги ҳудудларда ана шундай лагерлар кам эмас. Наркотик етиштириш эса қонуний асосга қўйилган. Яъни, "қора дори" етиштирувчи шахс полиз маҳсулоти етиштирувчи деҳқон каби солиқ тўлайди. Баъзида эса чет элликларнинг кўзини шамғалат қилиш учун гўёки қаердандир топилган гиёҳванд моддалар намойишкорона йўқ қилиб ҳам ташланади.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Бишкекда Афғонистондаги можаронни бартараф этишда халқаро ҳамжамият, ривожланган давлатлар етарли даражада фаоллик кўрсатмаётганини яна бир карра таъкидлади. Ҳақиқатан, афғон муаммосига эътиборсизлик — бор гап.

Косово, Босниядаги можароларни дарҳол бостиришга ҳаракат қилган БМТ, НАТО сингари нуфузли халқаро ташкилотлару ривожланган давлатлар афғон можаросига келганда, ўзини четга тортяпти. Ваҳоланки, бирор давлат Афғонистондан чиқаётган хавф-хатардан ҳоли эмас. Уруш эса халқаро ҳамжамиятнинг қатъий саъй-ҳаракатларисиз тугамайди. "Толибон" ҳаракати бутун Афғонистонни босиб олган тақдирда ҳам, у ерда хунрезликлар давом этаверади. Мамлакатнинг тарихи, у ердаги ҳарбий-сиёсий ва ижтимоий вазиятдан келиб чиқиб, шундай хулосага келиш мумкин. "Толибон" Аҳмадшоҳ Масъуд тарафдорларини енгса, албатта, бошқа рақиб пайдо бўлади. Жуда бўлмаса, толибларнинг ўзи иккига бўлиниб, ўзаро урушади. Чунки, бундан манфаат бор. Беқарорлик мамлакатда наркотик модда етиштириш, террорчи тайёрлаш ва энг муҳими, бундай жиноятлар учун жазосиз қолиш имконини беради. Оддий халқ эса азбаройи кун кўриш учун яна эски амалини, "наркодеҳқончилик"ни давом эттиради.

Шу боис Бишкек учрашуви қатнашчилари афғон можаросини бартараф этиш бўйича қатъий чоралар кўриши учун биргаликда БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларга мурожаат қилишга келишиб олди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири

Тошкент-Бишкек-Тошкент (ЎзА)

ЎҚИТУВЧИ БУРЧИ

ёхуд АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА ВАТАНГА МУҲАББАТ ТАРБИЯСИ ХУСУСИДА

"Ватанни севмоқ иймондандур".

Ҳадисдан

Мактабда ўргатиладиган ҳар бир фан, хусусан, адабиёт таълим ва тарбия манбаи ҳисобланади. Бу фанни ўқитиш жараёнида ўқувчиларга билим бериш билан бирга, уларнинг яхши инсоний фазилатларини ривожлантирмоқ, она-Ватан, халққа муҳаббат, садоқат каби олий жаноб хусусиятларини орттирмоқ лозим.

Бу адабиёт иш режасида ҳам кўзда тутилган. Ўз ўқитувчилик фаолиятимда доимо бунга амал қилиб бораман. Дарс машғулотларининг мазмундорлигини оширишда фақат дарсликка суяниб қолмасдан, кўпроқ қўшимча манбалардан фойдаланган ҳолда ўтилса, мақсадга мукаммалроқ эришиш мумкин.

Буни дарслар мисолида олиб қарайдиган бўлсак: IX синф дарслигида "Тўмарис" ва "Широқ" афсоналари берилган. Мавзу учун икки соат ажратиб оламиз.

1-дарс. Мавзу: "Тўмарис" ва "Широқ" тимсоллари.

Дарс: Тўмарис нега қурол олди? Широқни жонидан кечишга нима мажбур этди? каби саволлар асосида суҳбат билан бошланади.

Барчасига, албатта, жавоб битта: Ватанга бўлган, она-юртга бўлган буюк муҳаббат.

Ўқувчилар Тўмарис ва Широқ афсоналари ҳақида сўзлаб беришади, Ватан, юрт ҳақида шеърлар айтишади. Мен эса ўз навбатида ўқувчилар фикрларини кенгайтириб бораман. Тўмарис тимсолига тўхталиб, хотин-қизларнинг мардлиги ва шижоати тўғрисида эл-юртнинг тинчлиги, осойишталигини ҳимоя қилган ҳукмрон аёлнинг жасур сиймосини кўз олдиларига келтираман. Қўшимча манбалардан фойдаланиб, XIX асрда яшаб ижод этган шоира Нодиранинг юрти — Қўқонни маданият марказига айлантириш борасида қилган ишлари тўғрисида ва бугунги кун хотин-қизларининг жасоратли меҳнатлари тўғрисида сўзлаб бераман. Широқнинг юрти бошига келган балони даф қилишда ўз жонини аямагани ва тадбиркорлик билан ўйланган ҳарбий тактикаси жонажон Ватанига бўлган муҳаббати боис эканлигини айтиб ўтаман.

Istiqlol ma'rifati

(Давоми 2-бетда)

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 19 август куни Оқсарой қароргоҳида Япония Демократик партияси Бош котиби Цухому Хатани қабул килди.

• "Ўзфармсаноат" Давлат ҳиссадорлик концерни ва "Компьютер—Осиё" илмий-техника парки ҳамкорликда тайёрлаган "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда" альманахининг тақдимот маросими Миллий матбуот марказида ўтказилди.

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

• Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий ҳамда Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мажмуаларининг ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, аёлларнинг ижтимоий муҳофазасини янада кучайтиришга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

• Фарғона вилояти ҳокимлигида чет элларда ўқиб келган 26 нафар ёшларни шарафлаш маросими бўлиб ўтди.

• Озарбойжон Адлия вазирлиги "Халқаро инсонпарварлик чақириғи" ташкилотига мамлакат ҳудудида фаолият юритишни тақиқлади.

• Япония миллий мудофаа бошқармаси компьютер тармоқларига ташқи хуружнинг олдини олиш билан шуғулланувчи махсус тадқиқот гуруҳи тузишга қарор қилди.

• АҚШ президенти Б.Клинтон сентябрь ойида Фаластин раҳбари Ёсир Арофат ва Исроил бош вазири Ёхуд Барак билан учрашиш нияти борлигини билдирди.

• Ҳиндистоннинг Жамму-Кашмир штатида мамлакат ҳарбийларининг махсус бўлинмаси террорчиликка қарши операция ўтказиб, 10 нафар афғонистонлик ёлланма жангарини йўқ қилди.

Бунинг учун биз ўқитувчилар таълим-тарбиянинг барча муҳим воситаларидан унумли фойдалансак, ўқувчиларимиз қалбидаги Ватанга муҳаббатдай буюк меҳрни мустаҳкамлай олсак, мақсадга эришган бўламиз ва эл-юрт олдида юзимиз ёруғ бўлади.

Қибрайлик мактаб ўқувчилари билан суҳбатлашганимизда бу буйруқ ва кўрсатмалар Тошкент вилоятида фақат қоғозда қолаётган гаплар эканлигига амин бўлдик.

ЎҚИТУВЧИ БУРЧИ

ёхуд АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА ВАТАНГА МУҲАББАТ ТАРБИЯСИ ХУСУСИДА

(Боши 1-бетда)

Оғзаки ва ёзма адабиётда қайта-қайта тилга олинган, халқ қаҳрамонига айланиб қолган Сиёвуш ҳақида, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди ҳақида сўзлаб бераман.

Шулар билан бир қаторда бугунги кунда ўзининг ақлу заковати туфайли юрт бойлигига бойлик қўшаётган юртдошларимизнинг саъй-ҳаракатлари тўғрисида фикр билдираман.

Мустақил мамлакатимизнинг армияси, Ватан ҳимоячилари, уларнинг қудрати ҳақида сўзлаб, ўқувчиларни шу сафда хизмат қилишга , Ватанни севишга, юрт ободончилиги учун меҳнат қилишга ундайман. Пировардида Юртбошимиз Ислом Каримовнинг тинчлик ва осойишталик йўлида қилаётган ишлари ҳақида сўзлаб, Ватаннинг бир фидоий фарзанди тимсолида кўрсатиб бериш ҳам фойдадан холи бўлмайди.

Ҳар гал ўқувчиларимнинг мавзуга қизиқиб, топшириқларга мукаммал жавоб беришга уринаётганларини, ўз мустақил фикрларини баён этаётганларини кўрар эканман, биз ўқитувчилар қўлида қанча имкониятлар борлигига ва сўз сеҳри билан ҳар қандай ўқувчи қалбига йўл топа олиш мумкин эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қиламан. Адабиётни ўргатиш, аввало, одобни ўргатиш демакдир. Адабли киши эса юртни, беқиёс меҳр ила севиши тайин. Машҳур тарихчи Хондамир "Макарим ул-ахлоқ" асарида "...ақл, айниқса, жамиятда тартиб ўрнатишда, жаҳолатни бартараф қилишда, илмни эгаллашда кучли қурол ҳисобланади" деган эди. Беихтиёр 16 февраль, Сурхондарёда бўлаётган воқеалар кўз олдимга келади.

Ўқитувчи бўлганингдан уялиблар кетасан киши. Ўша газандалар ҳам адабиёт ўқиганмикан, уларни ҳам ўқитувчи ўқитганмикан, деб ўйлаб қоламан...

Аммо, шундай кунлар такрорланмаслиги учун болани ёшлигидан ақлли бўлмоққа, Ватанни севмоққа, унинг ҳар бир гиёҳини кўз қорачиғидек асрамоққа ўргатишни, шу воқеалар сабаб ҳам чуқурроқ, теранроқ англашимиз керак, деб ўйлайман.

Бунинг учун биз ўқитувчилар таълим-тарбиянинг барча муҳим воситаларидан унумли фойдалансак, ўқувчиларимиз қалбидаги Ватанга муҳаббатдай буюк меҳрни мустаҳкамлай олсак, мақсадга эришган бўламиз ва эл-юрт олдида юзимиз ёруғ бўлади.

Гуландом ЭРНАЗАРОВА,
Хатирчи туманидаги
17-мактабнинг
она тили ва адабиёт
ўқитувчиси

Kutubxona — nurxona

САОДАТ СОҲИЛИ

Кутубхона — маънавият ўчоғи.

Бу ерга илм истаб келган киши ўз билими ва дунёқарашини кенгайтиради, маънавий озуқа олади. Китоблар жовонига яқинлашсангиз, у сизни ўтмишнинг кўринмас иплари билан боғлайди.

Буюк мутафаккир Абдураҳмон Жомий "Китобдан яхшироқ дўст йўқ жаҳонда", деганда минг карра ҳақ эди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонаси, қадимий ва навқирон нурхоналардан.

Кутубхона директори Абдусалом Умаров билан китобхонлик маданияти, илм дурдоналарининг сақланиши хусусида суҳбатлашдик.

—Абдусалом ака, ҳозирги кунда мамлакатимизда минглаб кутубхоналар фаолият кўрсатмоқда. Шулардан энг каттаси сиз раҳбарлик қилаётган кутубхонадир. Бу ерни минглаб китобхонлар нуфузли даргоҳ сифатида тилга олишади. Бунинг сири нимада деб ўйлайсиз?

—Кутубхонамиз на фақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда энг катта бойлик ҳисобланади. 5 миллионга яқин китоб фондлари, газета-журнал тахламлари мавжуд. Кутубхонада 300 га яқин киши фаолият кўрсатмоқда.

Ҳозирги вақтда 20 та бўлим мавжуд. 12 та қироатхона ишлаб турибди. Самимийлик, ўзаро ҳурмат, кутубхона ишидаги юксак маданият мухлисларимиз сонини борган сари кўпайтирмоқда.

—Китобхонлар сонини кўпайтиришда нималарга аҳамият берилмоқда?

— Инсон ҳеч қачон бир жойда қотиб турмайди, тўғрими? Демак, ҳар ким, жумладан, кутубхона ходими ҳам ўз устида мунтазам ишлаши керак. Менинг фикримча, китобхонларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш лозим. Ҳар хил ёшдаги китобхонлар бор. Демак, уларнинг дид ва хоҳишлари ҳам хилма хил.

Биз доимий равишда улар билан мулоқотдамиз. Китобхонлар сони кейинги йиллар ичида кескин ошди.

Таълим тизимидаги ислоҳотлар, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг қабул қилиниши илм-маърифат аҳлини изланишга, ўқиб-ўрганишга ундамоқда. Аввал 16 ёшдан китобхонликка қабул қилар эдик, ҳозир эса 15 ёшга тўлган лицей ўқувчи-ёшлари, коллеж ўқувчилари ҳам бизга аъзо бўлишлари мумкин. 40 минг фаол китобхонларимиз орасида олимлар, талаба-ёшлар, шифокор ва мураббийлар бор.

Китобхонларни жалб қилишнинг бирдан-бир йўли доимий равишда янги асарлар, тўпламлар билан бойитиб боришдан иборат эканлигига амин бўлдик.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 1999 йилда кутубхонамиз учун 1000 дона турли илмий оммабоп янги нашрларни ҳадя қилди. Бундан ташқари кутубхона фондини яхшилашга 2,5 миллион сўм маблағ ажратди.

—Китобхонлар кўпроқ қайси мавзудаги китобларга эҳтиёж сезмоқда?

—Айниқса, ҳуқуқ, иқтисод, бизнес, тарих ва этнографияга оид китобларга қизиқиш катта.

Биз ҳар йили китобхонлик маданиятини ўрганиш мақсадида социологик тадқиқотлар ўтказиб турамиз. Маълум бўладики, китобхонлар кўпроқ чет тилидаги адабиётларга қизиқишади, сўрашади ва талаб қилишади.

—Инсон маънавияти унинг ўқиши, билим олиш маданияти билан белгиланади. Ҳозир, ёшлар китоб ўқимай қўйди, деган гап қулоққа чалиниб туради. Бу фикрга сиз қўшиласизми?

—Бу фикрга тўлиқ қўшилмайман. Биринчидан, биздаги китобхонларнинг саксон фоизини ёшлар ташкил этади. Иккинчидан, институтларда, академик лицей, коллежларда ўқиётган, чет элларда таълим олаётган ёшларимизни қаранг, бир нечта хорижий тилларни нафақат билишади, балки ўз она тилларидек эркин гаплаша оладилар.

Тўғри, бадиий китобларга нисбатан оладиган бўлсак, ёшлар бу борада анча сустроқ, бу табиий ҳол, ўзида қизиқиш бўлмаса, унга ўргатиш қийин. Ҳамма замонларда ҳам мажбурий дарс қиладиганлар бўлган ва китобни, айниқса, бадиий адабиётнинг ҳам шинавандалари бўлган. Ҳозирда ҳам шундайлар бор. Бугунги ёшларда максимализм, яъни керак нарсани ўрганиш ва охирига етказиш ҳаракатини илғаш қийин эмас.

—Китобларнинг сақланиш даражаси қай аҳволда?

—Белгиланган меъёрга нисбатан уч-тўрт баравар кўпроқ китоб сақланяпти. Китобларнинг сақланиши яхши эмас, лекин бу бутунлай ёмон дегани ҳам эмас.

Кутубхонамизда эски ва нодир қўлёзмалар бор, буларни ҳар йили таъмирлаб туришга тўғри келади. Лекин бунинг учун махсус лаборатория керак.

—Кутубхона истиқболини нимада кўрасиз?

—Ҳар бир давлатнинг ўз миллий кутубхонаси бўлади. Зеро, кутубхона ва китобларни саодат соҳилига менгзаш мумкин.

Президентимиз Тошкент шаҳар сайловчилари билан учрашувида пойтахтдаги қурилиши лозим бўлган иншоотлар қаторида Алишер Навоий номидаги миллий кутубхона биносини қуриш режаси ҳақида гапирдилар. Буни ҳукуматимизнинг маънавиятга, илмга ва унга ташна бўлган инсонларга бўлган эътибори ҳамда ғамхўрлиги дея таърифлаш ўринли.

Суҳбатдош Насриддин БОТИР

Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат-лавҳа.

Maktab + kollej

МАКТАБДА КАСБ-ҲУНАР ХОНАСИ

Ҳозирги кунда касб-ҳунар коллежи давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими берилишини ота-оналар ва ўқувчилар яхши тушуниб етишмоқда.

Ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллигини ўрганиш, у ўз ихтиёри билан танлаган касб-ҳунари бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконига эгалигини тушунтириб бориш синф раҳбари ва барча ўқитувчилар жамоасининг вазифасидир. Биз мактабимиз ўқувчиларини касб-ҳунар коллежига тайёрлаб боришда ота-она, синф раҳбари, фан ўқитувчилари, руҳшунос , маҳалла ҳамкорлигига эътиборни қаратганмиз. Бунда ўқувчиларнинг қайси касбга мойиллиги аниқлаб борилади. Шу тариқа ҳар бир ўқувчи учун тўпланган маълумотлар ҳар бир синф учун ташкил этилган касбга йўналтириш жадвалида йилма-йилига кўрсатиб борилади.

Ўқувчининг касбга бўлган қизиқишини ўрганишда ота-онанинг касби, қариндош-уруғларининг (тоғаси, амакиси, холаси ва ҳоказо) касб-корлари ҳисобга олиб борилади. Чунки ўқувчининг касб танлашида уларнинг таъсир доираси, албатта, бўлади. 1999/2000 ўқув йилининг апрел ойида мактабимизда туманимиз ўқитувчилари учун семинар ўтказилди. Семинар қатнашчиларига касб-ҳунарга бағишлаб ташкил этилган хонамиз манзур бўлди. Улар мактабимиздаги Тошкент шаҳри туманларида ташкил этилган ва ташкил этилиши кўзда тутилган барча лицей ва коллежларнинг рўйхати билан танишишди. Сўнгра 8-синф ўқувчилари ўзлари танлаган келажакдаги касблари ҳақида семинар қатнашчиларига сўзлаб бердилар. Улар ўз сўзларида танлаган касбларининг аҳамияти ва ҳунарни қайси лицей ва коллежда эгаллаш мумкинлигини зўр қизиқиш билан баён этдилар.

Семинар қатнашчиларидан руҳшунос ва ўқувчиларнинг ота-оналари фарзандларининг келажакда танлаган касблари бўйича ҳунарли бўлишларини тасдиқлаб, сўзга чиқдилар.

Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришда ҳудудларнинг жуғрофий шарт-шароитларини ва тегишли соҳадаги мутахассисларга бўлган маҳаллий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда иложи борича ўқувчиларни оиласидан ажратмаган ҳолда қамраб олишга ҳам доимо эътибор бериб бориш лозим. Бу борада синф раҳбари, ота-она ва ўқувчи ўзи яшаб турган туманидаги коллеж ва лицей берадиган мутахассисликни яхши ўрганишлари лозим бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, биз мактабимиз ўқувчиларини касб-ҳунар эгаллашга тайёрлашда қуйидагиларга эътиборни қаратганмиз.

1. Ўқувчиларнинг касб-ҳунарга қизиқишини 1-9 синфларда ўрганиб бориш.

2. Ота-оналарнинг ўз фарзандини қайси касбга йўналтириш бўйича фикр-мулоҳазасини ўрганиш.

3. Руҳшунос маслаҳатини ташкил этиш.

4. Ҳар бир дарсда ўқувчини бирор касбга йўналтириб бориш.

5. Мактабда касб-ҳунарга йўналтирувчи хона ташкил этиш ва уни бойитиб бориш.

6. Шаҳар туманларидаги барча касб-ҳунар коллежлари ва лицейлар ҳақидаги маълумотларни мактабда ташкил этиш.

7. Касб-ҳунарга бағишлаб экскурсиялар баҳс-мунозаралар, учрашувларни махсус режа асосида йил давомида ташкил этиш ва ҳакозо.

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да кўрсатилган Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига ўрта умумтаълими мактабларидаёқ замин яратиш ҳар йили янги ўқув йилига тузилаётган мактаб иш режасининг асосий қисмларидан бири бўлиши шарт деб, ҳисоблайман.

Асқар СУЛАЙМОНОВ,
Сирғали туманидаги
237-мактаб раҳбари.

Avgust kengashlari

ГАЛДАГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ёшларимизнинг маънавий дунёқарашини кенг кўламда шакллантириш таълим мазмунига ва кадрлар сифатига бевосита боғликдир.

Навоий вилояти халқ таълими ходимларининг анъанавий август кенгаши Навоий шаҳридаги 8-мактабнинг "Ёшлар ижодиёти маркази" биносида ўз ишини бошлади. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Фидокор" газетаси мухбири саволларига берган жавобларидан келиб чиққан ҳолда таълим ислоҳотларини янада чуқурлаштиришда вилоят халқ таълими ходимларининг вазифалари баён этилди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Х.Якубаев "Давлат таълим стандартларини амалиётга татбиқ этиш чора-тадбирлари тўғрисида" маъруза қилди.

Анжуманда вилоят халқ таълими бошқармаси ва ҳомийлар томонидан кам даромадли оила фарзандларини ўқиш ва дарслик қўлланмалари билан таъминлаш борасида ижобий ишлар олиб борилаётганлиги айтиб ўтилди.

—Жумладан, вилоят халқ таълими бошқармасига кам даромадли оилаларнинг 2-11-синф ўқувчилари учун дарсликлар сотиб олишга вилоят ҳокимлиги томонидан айланма маблағ ҳисобидан 5 миллион сўм, Зарафшон шаҳри ўқувчилари учун "Зарафшон — Ньюмонд" корхонаси томонидан 5 миллион сўм, Навоий тоғ-металургия комбинати томонидан Навоий шаҳар ўқувчиларига 700 минг сўм, рус синфлари учун 4 номда, 1320 нусха китоб Россия федерацияси томонидан, Қозоғистон халқ таълими вазирлиги билан қилинган шартномага асосан 17650 нусха дарслик қозоқ синфлари учун сотиб олинди ҳамда бошқа ҳомийлар томонидан 9.454 минг сўмлик китоблар ўқувчиларга сотиб олинганлиги нурли келажак сари ёшларимизни етаклашга хизмат қилади, — дейди вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Ҳайдаров.

Анжуман жараёнида ёш ўқитувчилар слёти бўлиб, уларнинг қасамёди қабул қилинди. Унда сўзга чиққан Навбаҳор туманидаги 11 -ўрта мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси, "Йил ўқитувчиси — 2000" вилоят танлови ғолиби Раъно Юсупова, АҚШнинг "АКСЕЛС" ташкилоти танлови ғолиби, Қизилтепа тумандаги 12-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Озода Қодирова ҳамда Навоий Давлат педагогика институтининг проректори Абдулла Ҳошимовлар ёш зиёкорларни илк фаолиятлари билан қутладилар.

Анжуман сўнгида вилоят ҳокимлиги, вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан таълим жараёнидаги илғор устоз-мураббийларга Фахрий ёрлиқлар ҳамда қимматли совғалар иньом этилди.

Ў.ПЎЛАТОВ,
Навоий вилояти

ҚАРОРЛАР ФАҚАТ ҚОҒОЗДАМИ?

Янги ўқув йили олдидан ҳукумат қарори асосида ташкил этилган мактаб бозорлари Тошкент вилоятида қандай йўлга қўйилган? Тошкент вилоятида олиб борилаётган ишлар хусусида вилоят "Матлуботсавдо" бошқаруви раисининг биринчи муовини Оқилхон Аҳороврнинг берган маълумотларига қараганда вилоятда 80 та мактаб бозори фаолият кўрсатаётган бўлиб, ундаги нархлар ҳатто 20 фоизга арзонлаштирилган экан.

Тошкент вилояти матлуботчиларининг бу хайрли ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида вилоятнинг Қибрай тумани марказига бордик.

Доимо одамлар билан гавжум бўладиган марказий бозор ҳамда марказий кўчаларни кезиб, афсуски, мактаб бозорини топа олмадик. Бозордаги хусусий тадбиркорлар, марказда мавжуд барча савдо шаҳобчалари ишлар эди-ю, лекин биз излаган мактаб бозоридан дарак йўқ эди. Одамлардан сўраб-суриштиришимизга тўғри келди. Лекин кўпчилик елка қисишдан нарига ўтолмади. Фақат бир кишигина бизга мактаб бозорининг "ўрнини" кўрсата олди. Унинг ўрнида эса олмалар ва помидорларни кўришга муяссар бўлдик!

Шу ерда савдо қилаётган амакидан мактаб бозорини излаётганимизни айтганимизда, у киши "Бу ерда савдо қилаётган қиз бугун бандлиги учун чиқолмас экан", деб жавоб бердилар. Уни излаб Қибрай матлуботсавдо акциядорлик жамиятига бордик. Мазкур жамиятда котиба бўлиб ишлайдиган Нилуфар Йўлдошева мактаб бозорининг сотувчиси ҳам экан. Бугун у жудаям бандлиги, иш кўплиги сабаб мактаб бозорини очолмаганлигини билдирди. Демак, у бўш вақтларидагина мактаб бозорида савдо билан шуғулланади.

Н.Йўлдошевадан "Хўш, нималар сотаётган эдингиз?" деб сўраганимизда, у ручка, қалам, дафтар, сумкани санаштан нарига ўтолмади.

Ҳолбуки, "Ўзбексавдо" акциядорлик компанияси раисининг буйруғи ва кўрсатмасига биноан ҳар бир мактаб бозорида 20 хилдаги ҳар бири икки хилдан ўн хилгача бўлган концелярия товарлари ҳамда ўқувчилар кийимбошлари, пойафзаллари бўлиши керак.

Қибрайлик мактаб ўқувчилари билан суҳбатлашганимизда бу буйруқ ва кўрсатмалар Тошкент вилоятида фақат қоғозда қолаётган гаплар эканлигига амин бўлдик. Мактаб учун зарур анжомларни "Тошкент Отчопари" ҳамда "Тошкент трактор заводи" бозоридан харид қилаяпмиз. Қибрайдаги мактаб бозорида бизга ёқадиган кийимлар йўқ. Дафтар, ручкалар эса қиммат, — дейишди туман марказидаги 1-мактабнинг 11-синф ўқувчилари Равшан ва Аброр.

Шунақа гаплар... Тошкент вилояти "Матлуботсавдо" раисининг биринчи муовини О.Аҳороврнинг "20 фоиз арзонлаштирилган нархлар" деган гаплари қибрайликлар учун фақат "эртак" бўлиб қолади, шекилли...

"Туркистон-пресс"

Xalqaro hamkorlik

АНЪАНАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Мамлакатимизнинг бугун дунёнинг тараққий этган давлатлари билан ҳамкорлик алоқалари кун сайин ривожланиб, ўз меваларини бермоқда. Буларни ҳозирда хорижлик ҳамкорлар иштирокида фаолият кўрсатаётган жуда кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари, қўшма корхоналар мисолида яққол кўриб-билиб турибмиз. Куни кеча Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида Японияннинг халқаро алоқалар бўйича Ўзбекистондаги "Жайка" (JICA — Японияннинг Халқаро ҳамкорлик алоқалари агентлиги) ваколатхонаси ҳамда "ЮНИКО" (UNICO) Халқаро Корпорацияси маслаҳатчилари иштирокида ўтказилган "Тўқимачилик ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш" мавзусида бўлиб ўтган Халқаро семинар ҳам енгил саноатимиз ривожига тўсиқ бўлаётган муаммоларни ижобий ҳал этишга кўмаклашиб, Буюк Ипак йўли анъаналарини қайта тиклаш ва ривожлантиришга хизмат қилади. Семинарда JICAнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари, жаноб Нино, ваколатхона раҳбари ўринбосари, жаноб Танабе, Халқаро UNICO Корпорацияси консультантлари, жаноб Шиго ва Кимуралар, шунингдек, республикамиз енгил саноати соҳаси мутасаддилари, институт ўқитувчилари жамоаси иштирок этди. Анжуман иштирокчиларида UNICO консультанти, жаноб Кимуранинг "Японияда енгил саноат ривожланиши тарихи ва муаммоларининг ҳал этилиши" мавзусидаги маърузаси жуда катта таассурот қолдирди. Хорижликларнинг ҳамкорликдаги ниятлари холис. Гап уларнинг муаммоларни ҳал этишдаги тажрибаси ва маслаҳатларидан ижобий фойдаланиб, тезроқ уни ишлаб чиқаришга жорий этишдадир.

В.БОЙМУРОДОВ

Qutlug' ostona

БИРИНЧИ ДАРС МАСЪУЛИЯТИ

Борликдаги оддий заррадан тортиб, сайёрагача, бурганинг сакрашидан юлдуз учишигача барча-барчаси макон ва замон миқёсида ўзига хослик, бетакрорлик касб этади. Бинобарин, таълим борасидаги ҳар қандай дарс ҳам бетакрор ҳодиса. Бироқ, янги ўқув йилининг бошланишидаги биринчи дарснинг масъулияти ҳам, завқи ҳам бутунлай ўзгача... Мактабга-синфга илк қадам қўйиб, биринчи бор партага ўтираётган толиби илмнинг биринчи дарсдан ўзгача таъсирланишини ўйлаб кўрганмисиз? Йўқ бўлса, мактабга илк ташриф буюрган ўқувчига синф хонаси-ю, ўқув папкаси, ўқитувчи-устозию, тенгқурлари аллақандай сеҳрли туюлишини тасаввур этмак, ҳис қилмоқ учун ўзингиз илк бор мактабга борган лаҳзаларингизни эслаш кифоя.

Шунингдек, ўқитувчилик касбини ихтиёр этиб андак ҳадик билан илк бор дарсга кирган ва устозлик завқини туйгач, беихтиёр касбидан фахрланиш туйғусига чўммаган ўқитувчи ҳам бўлмаса керак. Билъакс, биринчи дарснинг ана шундай завқшавқи қатори масъулияти ҳам бетакрор.

Биринчи дарс моҳиятан:

—ҳар бир ўқув йилининг биринчи дарси;

—муайян ўқув фанининг биринчи дарси;

—ўқитувчилик фаолиятига киришилгандаги биринчи дарс;

—ва ниҳоят, ўқувчи (толиби илм) ҳаётидаги биринчи дарсдан иборат.

Биринчи дарс бошқа дарслардан дидактик мақсад умумийлиги, мураккаблиги билан ажралиб туради. Шунга ҳамоҳанг мақсадга эришув восита ва усуллари ҳам ниҳоятда хилма-хил бўлади.

Янги ўқув йилига хос биринчи дарс расман юртимиз мустақиллигини идрок этиш, қадрлаш, унинг дарди билан яшашга шайланишга йўналтирилган. Бу борада анчайин тажриба орттирдик, янада такомиллаштириш борасида эса изланиш давом этаверади.

Янги ўқув йилига хос бундай биринчи дарсда мустақиллигимизни тараннум этмоқ, унга эришиш жараёнининг унутилмас жиҳатлари, мустақиллик шарофати ила барпо этилган бунёдкорлик ишларидан сўзламоқ зарур. Бунда, аввало, ўқувчи идроки қамрай оладиган далил ва рақамлардан ўрнида фойдаланиш муҳим саналади. Чунончи, Тошкент туманидаги 2-мактаб жойлашган Шамсиобод қишлоғи учун Мустақиллик куни арафасида тоза ичимлик суви таъминоти муаммоси ечимини топди, газ, электр таъминоти барқарорлашди. Яна бошқа туманларда ҳам шунга ўхшаш ютуқлар - муайян корхона ёки йўл қурилиши бошланиб ниҳоясига етган бўлиши мумкин.

Ўқув фанига хос биринчи дарсда ўқувчининг шу фанга бўлган қизиқишининг тамал тоши қўйилади. Янги ўқув йили давомида ўрганилажак предметнинг таълимий, тарбиявий мақсади ва шу мақсадга эришиш йўлидаги вазифалар айнан биринчи дарсда ўқувчи онгига етказилади. Ўқувчини шу фанга қизиқтириш, ихлосини оширишда сўнгги илмий кашфиётлар-ихтиролар, экспедиция ва саёҳатлар тўғрисидаги қизиқ ҳикоялардан фойдаланилса, бошқа шароитда мактаб теварагидаги биорон корхонанинг, ва ҳатто, ўқувчи яшаб турган ҳовлининг "географик тавсифи" асқотади. Географик мазмундаги кино ёки видеофильм кабилар ҳам ёш географларнинг саёҳат таассуротларини видео кассета воситасида намойиш этиш ҳам ўқувчида фанга қизиқиш, ихлос уйғотиши мумкин.

Шунингдек, мазкур фан юзасидан эгалланадиган билим ва шаклланажак ўқув (малака)нинг инсон фаолиятидаги амалий аҳамиятини кўрсатиш муҳим саналади. Буни география ўқув фани мисолида тушунилса, табиий объектларнинг кўп томонлама ўзаро алоқадорлигини англаш негизида инсон фаолияти маҳсули бўлган ҳовли-жойлар, боғ ҳамда экинзорлар, йўл ва каналлар, гузар, қишлоқ, шаҳар ва ҳоказоларнинг файзи-таровати бежиримлиги ҳамда қулайликлари уларнинг қанчалик мақбул жойлашганлигига, бу эса кишиларнинг географик маданияти натижаси эканига ўқувчини ишонтира билиш лозим.

Географик билимлар ҳаётда асқотишини ўқувчи бевосита шоҳиди бўлаётган ҳамда идрок қилиниши қулай, нарса, ҳодиса, жараёнлар мисолида тушунтирган маъқул. Жумладан, Тошкент вилоятининг Тошкент туманида аҳоли сони кескин ошиши ва хўжалик юксалиши оқибатида сув таъминотида мувозанат ўзгарди. Бу ўз навбатида сув ресурсини кўпайтириш ёки хўжаликлар ихтисосини имкониятга мутаносиб мувозанатлаш масаласини долзарб муаммога айлантирди. Шунингдек, мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ҳамда сиёсий ҳаётида рўй берган ўзгаришлар тақозоси ўлароқ, узоқ йиллар асосан сабзавот етиштириб келган туман хўжаликларида шу кунга келиб дон етиштириш кучайди.

Бунда иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичлар ҳам табиий шароит ҳамда демографик маълумотлар ҳам география "дошқозонида" қайта ишланиб, умумлаштирилди.

1 2 3

Ҳуқуқий тарбияни сингдиришнинг бошланғич йўли сифатида тартиб-интизомни сақлаш ҳақида кўпроқ тўхталиш ва шахсий ибрат кўрсатиш лозим бўлади.

Форобийнинг давлат ҳақидаги қарашлар комил инсон таълимоти билан узвий боғлиқдир. Масалан, унинг фикрича, қуйидаги 12 та хислатга эга бўлган инсонгина комил, етук ҳисобланади.

ЎҚИТУВЧИ ВА ЎҚУВЧИ МУНОСАБАТИ

Huquqiy tarbiya

Инсон ҳуқуқларига қарши бўлган муносабатлардан ва хатти-ҳаракатлардан ҳимояланиш ҳақида ҳамиша гапирамиз. Бундай вазифалар фаолликни талаб этади. Одатда, инсон ҳаётининг ёшлик даврларида ҳаётга нисбатан иштиёқ, атрофдагиларнинг хулқ-атвори, ишлари ва хатти-ҳаракатларини кузатишга, уларнинг айтганларини тинглаш, қиёслаш ва солиштиришга нисбатан зийраклик анча юқоридир. Шу боисдан ҳам ёшларни ҳуқуқий тарбиялаш жараёнида катта ёшдагиларнинг ўрни етарлича бўлиши лозим.

Албатта, мактаб остонасида ўқувчиларга маълум предметлар бўйича билим берилаётган бир шароитда ҳуқуқий, эстетик ва ахлоқий тарбия элементларини сингдириб бориш лозим бўлади.

Ўқувчига ҳуқуқий тарбияни сингдирувчи шахс бу ўқитувчидир. Ўқитувчи шахси ўқувчилар билан ўзаро муносабатлар жараёнида, шахс шаклланиши босқичларида бош таъсир кўрсатувчи омил сифатида хизмат қилади. Чунки ўқитувчи ўқувчилар учун асосий "идеал" бўлиб, улар орзу қиладиган, ҳаёт тарзини белгилашга ёрдам берувчи киши тарзида гавдаланади. Ўтказилган тадқиқотлар ҳам шундан далолат берадики, ўқувчилар ўзлари ёқтирган ўқитувчиларнинг барча хатти-ҳаракатларини тўғридан-тўғри қабул қиларкан ёки аксинча, ёқтирмаган муаллимларни тўғридан-тўғри танқид қиладилар.

Ўқитувчининг ўқувчиларга ҳуқуқий тарбия бериши бевосита уларнинг ёш психологик нуқтаи-назаридан ва педагогик-психологик таъсир кўрсатиш воситалари асосида ёндашишлари билан боғлиқ.

Шу ўринда ўқитувчилар ҳуқуқий ёки маънавий тарбияни амалга оширишларида шахс асосий психологик таъсир кўрсатувчи восита эканлигини унутмасликлари керак.

Ижтимоий муносабатлар тизимида шахс жамиятнинг ижтимоий мазмунини ташкил этади. Шахсдаги бузилиш тўғридан-тўғри ижтимоийлашув жараёнига номувофиқлик ва хулқ-атвор меъёрларининг бузилишига олиб келади. Албатта, ҳуқуқий меъёрлар ва уларга риоя қилиш талабларини оддийгина ифодалаш зарурати тарбияда самара бермайди. Чунки ўспиринлик ёшидаги ўқувчилар ўзгарувчан характерга эгадир.

Ҳуқуқий тарбияга маъмурий-буйруқбозлик усули ёрдамида ёндашиш, ўқувчиларга бақириб мурожаат қилиш, уларга зид талабларни қўйиш, ўйлаб кўрилмаган буйруқларни бериш ўқитувчи йўл қўядиган хатоларнинг асосийларидир.

Қатор тадқиқотларда хулқ-атвор нормалари ва балоғатга етмаган шахслар шаклланишидаги бузилишлар, ўсмирлардаги ўз-ўзини баҳолашнинг ҳуқуқий воситалари тўғрисида сўз борадики, улар ҳар хил даврларга бўлинган ҳолда таҳлил қилинади. Таълим-тарбия жараёнида ўқитувчилар синфни намунали ва тарбияси қийин болаларга ажратадилар. Бугунги кунда ҳам тарбияси қийин ўқувчи тушунчаси педагогика ва психологияда кенг ишлатилади. Аслида тарбияси қийин ўқувчи ким?

Тарбияси оғир ўспирин авваламбор нотўғри тарбиянинг маҳсулидир. Ҳаттоки, ундаги асаб системаси ёки психикадаги тартибнинг ўз ўрнида бўлмаслиги қандайдир хатоларнинг, тарбиядаги ноқулай шароитларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлади.

Кўп ҳолатларда тарбияси оғир ўқувчиларнинг ўқитувчилар билан муносабатидаги кескинлик яққол намоён бўлади. 12-16 ёшдаги тарбияси оғир 100 нафар ўқувчиларда ўтказилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, бундай ўспиринларда яширинлик, муомалага киришолмаслик, бошқаларга танқид кўзи билан қараш, одамлардан қочишга уриниш, ёлғиз юришга интилиш кузатилган (49 фоиз). Катта шубҳа билан қаровчи, одамлар ҳақида ғамхўрлик қилишни ёқтирмайдиган, жамоа билан ишлолмайдиганлар 48 фоизни ташкил этди. Ўз-ўзига ишонувчи, тажовузкор, бетгачопар, фақат ўз фикрини афзал ҳисоблайдиган, низоларда бошқаларни айбдор санайдиганлар 19 фоизни ташкил қилди. Ўқитувчи ва тенгдошлари билан муносабатдаги деформацияланиш шахснинг ахлоқий-иродавий хусусиятларида салбий баҳоланади.

Кўп ҳолатларда ўқитувчилар томонидан синфдаги ўқувчиларнинг хатти-ҳаракати, хулқ-атвори ва характер хислатларига қараб уларни тафовутлаш учрайди. Лекин улар орасида тарбияси оғир ўқувчиларга муносабатда нозик дид, ўткир фаҳм-фаросат керак.

Ҳуқуқий тарбияни сингдиришнинг бошланғич йўли сифатида тартиб-интизомни сақлаш ҳақида кўпроқ тўхталиш ва шахсий ибрат кўрсатиш лозим бўлади. Ўқитувчи ўқувчига маълум талаблар қўяди, аммо уларнинг хатоларини тузатишни ҳам унутмаслик лозим. Талабларнинг самарали натижа бериши ўқувчи қаршисидаги идеал шахснинг обрўси билан боғлиқдир. Ўқувчи учун қуйи даражадаги лавозим, унвон, асосийси эса унинг қандай инсонлиги муҳимдир.

Ахмат БЕКНАЗАРОВ,
Ички ишлар вазирлиги Академияси илмий-тадқиқот бўлимининг катта илмий ходими, психология фанлари номзоди, ички хизмат майори,
Абдумўмин РАСУЛОВ,
Ўзбекистон Миллий Университети психология кафедраси ўқитувчиси.

УЛАР БУ УЛУҒ УНВОНЛАРГА ВА БУЮК НОМЛАРГА ЛОЙИҚ

Ajdodlarimiz

Абу Наср ФОРОБИЙ. Тўлиқ исми - *Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуғ Тархон* бўлиб, жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган машҳур файласуф, қомусий олим. Ўрта асрнинг йирик илмий ютуқлари, умуман, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида ижтимоий-фалсафий фикрларнинг тараққиёти унинг номи билан боғлиқ. Форобий 873 йилнинг охирларида Арис сувининг Сирдарёга қўшилиш еридаги Фороб (ҳозирги Ўтрор) шаҳрида туғилди. У бошланғич маълумотни она шаҳрида олгач, Шош (Тошкент), Самарқанд, Бухорода ўқиди. Кейинроқ Исфаҳон, Ҳамадон, Райда шаҳарларида бўлди ва ўз маълумотини ошириш учун араб халифалигининг маданий маркази бўлган Бағдодга келди. У ерда Форобий илмий ишлар билан жиддий шуғулланди ва тез орада машҳур файласуф бўлиб танилди. Ўз даврининг етук файласуф олимлари билан илмий мулоқотда, баҳсларда бўлади.

У Бағдод шаҳрида Абу Башар Матта ибн Юнус(870-940)дан юнон тили, фалсафасини, Юҳанна ибн Ҳийлон(860-920)дан табобат, мантиқ илмини ўрганди ва қадимги юнонистонлик энг йирик файласуфлар, олимларнинг асарларига шарҳлар ёзган. Тахминан 941 йилдан бошлаб Форобий Дамашқ шаҳри чеккасида қоровул бўлиб яшаган, камтарона кун кечириб, илм-фан билан шуғулланган. 949-950 йилларда шу ерда вафот этган ва "Боб ас-сағир" қабристонига дафн қилинган.

Форобий табиий-илмий ва ижтимоий билимларнинг деярли барча соҳаларига оид 160 дан ортиқ асар ёзган бўлиб, бизгача улардан 40 тага яқини етиб келган. Бу асарларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Юнон файласуфлари, табиатшуносларининг меросини ўрганиш, изоҳлаш ва тарғиб қилишга бағишланган асарлар.

2. Фаннинг табиий ва ижтимоий-фалсафий соҳалари ва уларнинг долзарб муаммоларини ҳал этишга бағишланган асарлар.

Форобий Платон, Аристотель, Эвклид, Птоломей, Профирий каби юнон мутафаккирларининг асарларини батафсил изоҳлаб, уларнинг мураккаб жойларини тушунтириб берган. Бу шарҳлар Ўрта ва Яқин Шарқнинг илғор мутафаккирлари дунёқарашини шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Хусусан, буюк аллома Абу Али ибн Сино Форобий шарҳларини ўқигачгина Аристотель асарларини тушунганини алоҳида таъкидлаган. Аҳамиятга молик томони шундаки, Шарқ илм дунёсида Форобийнинг ушбу шарҳлари ва улар асосида яратилган асарлар кейинроқ — XIV-XVI асрга келиб Европа аҳлининг ҳам қадимги юнон илми билан қайта танишишига, натижада Европа Уйғониш даврининг бошланишига туртки бўлди.

Форобийнинг илмий меросида "Калом фи-л ақл ал-Кабир"("Катталарнинг ақли ҳақида сўз"), "Китоб фи-л ақл ал-сағир"("Ёшларнинг ақли ҳақида китоб"), "Китоб ул-мусиқа ал-Кабир"("Мусиқа ҳақида катта китоб"), "Китоб фи ихсо ал-улум ва ат-таъриф" ёки "Ихсо ал-улум"("Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи"), "Ас-сиёсат ал-мадания"("Шаҳарни бошқариш"), "Ас-сийрат ал-фазила"("Фазилатли хулқлар") каби асарлари жуда катта шуҳрат қозонади ва улар нафақат ўша давр, балки бугун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Масалан, «Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи» асарида у ўша даврда маълум бўлган 30 дан ортиқ фаннинг таърифи, аҳамияти, ўрганиш масалаларини кўрсатиб берган ва тарихда биринчи марта қуйидаги мукаммал тизимга солган:

— тил ҳақидаги илмлар (7 бўлим - грамматика, орфография, шеърият ва бошқалар);

— мантиқ ва унинг бўлимлари;

— математика (арифметика, геометрия, оптика, астрономия, мусиқа, оғирликлар ҳақидаги илм, механика);

— табиатшунослик ва метафизика (илоҳиёт);

— давлат ва жамият ҳақидаги фанлар — сиёсий илм, фиқҳ(ҳуқуқ)шунослик, калом(этика, педагогика).

Форобий фанларнинг вазифасидан келиб чиқиб, ижтимоий ва табиий фанларга ажратган. Фанларнинг юқоридаги тарзда тасниф қилиниши илм-фаннинг кейинги ривожига катта таъсир кўрсатди ва бугунги кунда ҳам бу тизимдан бутун дунёда фойдаланилиб келинмоқда.

Давлат ва жамият ҳақидаги асарларида эса Форобий ўз даври учун анча илғор бўлган фикрларни илгари сурган. У етук шахс ёки етук хислатларга эга бўлган ёхуд сайланган шахслар томонидан бошқариладиган давлат шаклларини қайд этади. Форобийнинг давлат ҳақидаги қарашлар комил инсон таълимоти билан узвий боғлиқдир. Масалан, унинг фикрича, қуйидаги 12 та хислатга эга бўлган инсонгина комил, етук ҳисобланади:

1) барча аъзолари мукаммал бўлиши;

2) фикрни, муҳокама ва мулоҳазани тез ва тўғри тушуна оладиган бўлиши;

3) хотираси жуда кучли бўлиши; 4) зеҳни ўткир бўлиши; 5) айтмоқчи бўлган фикрини аниқ ва равон ифода эта оладиган бўлиши; 6) билим ва ўқишга муҳаббатли бўлиши; 7) овқатланишда очкўз бўлмаслиги, қимор ва у келтирадиган "хурсандчилик"лардан жирканиши; 8) ҳақиқатни севиши, ёлғондан нафратланиши; 9) руҳининг ғурури ва виждонини қадрлаши;

10) дирҳам, динор (ўша давр пул бирликлари — Б.Ф.)ларга жирканиш билан қараши; 11) адолатни севиши ва адолатсизликка қарши курашиши;

12) Қўрқмас, жасур, ўз ниятини амалга оширишда қатъий бўлиши лозим. (Қ.: Абу Наср Форобий. "Фозил одамлар шаҳри". М.Ҳайруллаев тарж. Т.:А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти,1993.186-187-б.)

Хулоса қилиб айтганда, Форобий бутун дунё илм-фан ривожига улкан ҳисса қўшди ва бу хизматлари учун **"Муаллимус соний"** — **"Иккинчи муаллим"**("Муаллим ул-аввал — "Биринчи муаллим" Аристотель эди), **"Шарқ Арастуси"** деган юксак номларга сазовор бўлди. Араб олими Ибн ал-Қифтий(1172-1248) Форобий ва унинг асарлари ҳақида шундай деган эди:"*Бундай асарларни ёзишда шу пайтгача Абу Насрдан ҳеч ким ўзиб кетолмаган, ҳатто бу хил фикр-мулоҳазаларни унгача ҳеч ким айтмаган, у киши етишган даражага етиша олмаган ҳам, биронта ҳам толиби илм йўқки, у тутган тўғри йўлдан фойдаланмаган бўлсин*". Машҳур тарихчи ва библиограф Ибн Ҳаликкон(1211-1282)нинг ёзишича, Форобий 70 дан ортиқ тилни билар экан. Етук жадидчи бобомиз М.Беҳбудий ҳам халқни ғафлат уйқусидан уйғотиш учун Форобий ва бошқа аллома-ларимиз номини ўз асарларида, мақолаларида тилга олади. "*...Абу Наср Форобий замонидаки барча тилларни билар эканки, "Қонун" деган асбобни ижод қилиб экан. Барча тасниф қилғон китоблари 70 қадар — илми тавҳид, фиқҳ, мусиқий, риёзий, ҳайъат, мантиқ, ҳикмат илмларига таснифоти бор...*" Яна бир араб олими Ибн Аби Усайбиа эса Форобий ҳақида:"*...раҳматлик етук файласуфлардан, фозил донишмандлардан эди, ҳикматга оид барча фанларни мукаммал билар эди.. Мол-дунё билан ҳеч иши йўқ эди... унинг феъл атвори худди қадимги файласуф-ҳакимлар одобига ўхшарди*",— деган эди.

Форобий ижоди Европа олимларидан Б.М.Штреншнейдер, Карра де Во, Т.У.-Буур, Р.Хаммонд, Р.де Эрланже, Ф.Детириц, Г.Фармер, Н.Ришар, Г.Лей, Шарқ олимларидан Нафисий, Умар Фарруҳ, Туркер, М.Маҳдий ва бошқалар томонидан чуқур ўрганилди.

Ботиржон ҒОФУРОВ
тайёрлади

ДИҚҚАТ!
Ҳурматли ўқитувчилар!

Умумий ўрта таълим мактаблари учун "Ўқитувчи", "Шарқ", "Ўзбекистон", Ғафур Ғулом номидаги нашриётлар томонидан чоп этилган, 2000 йилда амалда фойдаланиш учун тавсия этилган дарслик ва ўқув қўлланмалари Сизга маълум. Шу ўринда бевосита ушбу дарслик ва ўқув қўлланмаларидан фойдаланиб, ўқувчиларга билим бераётган Сиз — муаллимларнинг улар ҳақидаги фикрларингиз, мулоҳазаларингиз бизга жуда асқотади. Боиси, ҳар бир назария амалиётда ўзини яққолроқ намойиш этади.

Фикр ва мулоҳазаларингиз расмий ва норасмий бўлиши мумкин ва улар кейинчалик дарсликларни такомиллаштиришга ижобий ҳисса қўшади, деган умиддамиз.

Фикр-мулоҳазаларингизни республика Таълим маркази, нашриёт бўлимига юборишингиз мумкин. Улар "Маърифат" газетасида "Амалиётчи фикри" рукни остида мунтазам чоп этиб борилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700027. Тошкент, Ўзбекистон кўчаси—80, республика Таълим маркази, 308-хона.

Собир Раҳимов туманидаги «Наврўз» номли мактабгача тарбия муассасасида бутун ёз давомида болажонларни соғломлаштиришга қаратилган мусобақалар ўтказилди.

Шашка, футбол, «Сув байрами», «Соғломжон — полвонжон» мусобақалари кичкинтойларни ҳар томонлама чиниқишига ёрдам берди.

Суратда: тарбиячи Шоира Абдукаримова болажонларга тўсиқлар оша югуришлари учун йўл-йўриқлар бермоқда.

Р.АЛЬБЕКОВ олган сурат

БАРЧАГА БИРДАЙ МЕҲРИБОН

Бахшанда Зуҳурова мусиқа мактабини тугатгач, Тошкент Давлат консерваториясида ўқишни давом эттирди.

— Ўқишга кирганимдан кейин саньат йўлидан кетишимга астойдил ишонган эдим, — дейди Бахшанда опа, — Аммо тақдирнинг ўз сийловлари, туҳфалари бўлар экан...

Тақдир тақозоси билан Бухорода туғилиб ўсган қиз Жиззахга келин бўлиб тушди.

... Ҳар бандага орзулаб кирган ўқиш жойидан кечиш осон эмас. Аммо оилавий шароит сабабли Бахшанда ўқишни Жиззах муаллимлар олийгоҳида давом эттирди. У бурч, масъулият деган тушунчаларни анча эрта англади ва бу туйғулар унга умри давомида ҳамроҳ бўлди. Ҳаётда қанча обрў топса, шу туйғуларга соғлиқдигидан топди. Дастлаб мактабда ишлади. Бахшандада ташаббускорлик, қалбида меҳр, кўпнинг бошини қовуштириш қобилияти бор. Меҳр эса ҳаммадан кўра кичкинтойларга кўпроқ керак.

Бахшанда Зуҳурова аввал анча "ўтириб" қолган "Озода" болалар боғчасига мудира этиб тайинланди. Сўнг вилоят ички ишлар бошқармасига қарашли "Азиза" болалар боғчасига ўтказилди. Тўғрироғи, қўлига боғча биноси лойиҳасини тутқазишиб, ихтиёрига битта вагон уй ажратишди. Қарабсизки, Бахшанда опа қурилиш раҳбарига айланди-қолди.

... Қанча сувлар оқиб ўтмади, дейсиз. Б. Зуҳурова Ҳулкар Бурҳонова, Дилрабо Ҳамроқулова, Зулфия Ҳакимова каби болажон тарбиячиларни ёнига олиб, "Азиза" болалар боғчасини дилбандларнинг севимли масканига айлантиришга эришди.

"Саломатлик", "Маънавият ва маърифат", "Тасвирий фаолият", "Иқтисодни ўрганамиз"... Хона номларининг ўзиёқ бу боғчанинг кўламини кўрсатиб турибди.

— Ҳозирги болалар телевизор кўради, мураккаб қурилмали ўйинчоқлар ўйнайди. Улар жуда қизиқувчан бўладилар. Тарбиячилар ўз билими устида ишламаса, изланмаса, болалар саволлар бериб, уларни шошилтириб юборадилар, — дейди Бахшанда опа. У ўзи бўш қолди дегунча кичкинтойларга куй чалиб беради, биргаликда ашула айтади. "Азиза" боғчаси болалари вилоят тадбирларида зеҳнлилиги, зийраклиги билан бошқалардан ажралиб туради.

Бахшанда опа қайси жабҳада меҳнат қилмасин — иш жойими, қолаверса оиласи, фарзандлари, келинларими — бирдай меҳр беради.

— Ҳаммаси ўзимники — бири қош, бири кўз. Униси оғир, буниси енгил демайман. Бировнинг ҳурматига сазовор бўлиш учун, аввало, ўзинг ҳурмат кўрсатишинг керак, — дейди Бахшанда Зуҳурова.

Бахшанда Зуҳуровага вилоят ички ишлар бошқармаси хотин-қизлар қўмитаси раисалиги вазифаси ҳам топширилган. Ички ишлар идораларида хизмат қиладиган аёлларнинг вазифалари ўзига хос мураккаб. Болалар орасига кирганда болаларча беғубор Бахшанда Зуҳурова аёллар даврасида жиддий, ўйчан қиёфага киради. Уларни диққат билан тинглайди, имкон қадар оғирларини енгил қилишга уринади. Ҳаёт шундай инсонлар борлиги учун севимли.

Венера ИБРОҲИМОВА

Дарҳақиқат, барча билимлар истифодасида география фокус мисол аҳамият касб этади. Шунинг сингари мисоллар физика ёки кимё, математика ёки биология, олингки, барча ўқув фанларининг биринчи дарси талабига жавоб бериши мумкин. Мактаб ўқувчиларидан фан олимпиадаси совриндорларини биринчи дарсга таклиф этиб, олимпиада ғолиби бўлиш завқи, заҳмати ҳақида тенгқурларига сўзлаб беришини ташкил қилиш ҳам айни муддао.

Барча мактабларда янги ўқув йилининг биринчи қўнғироғи қанчадан-қанча шогирдлар қатори минглаб устозларни ҳам илк дарсга чорлайди. Бу дарс устоз(ўқитувчи)ни ифтихор, ийманиш билан аралаш кайфиятда синфга илк қадам ранжида қилган лаҳзаларини умр ниҳоясига қадар ўчмас хотирага жойлайдиган дарс.

Бу дарс ўқитувчи сиймоси ўқувчи учун ҳам унутилмас таассурот қолдиражагини назардан қочирмаслик лозим. Инчунун, биринчи дарсдаёқ ўқувчи ўқитувчи тимсолида намуна-ибрат бўладиган кишини топа билсин. Бу эса устознинг ташқи қиёфасидан тортиб, ҳар бир хатти-ҳаракатигача, муомила маданиятидан тортиб, ботиний эътиқод, маънавиятигача ушбу муқаддас номга қанчалар уйғунлигига боғлиқ.

Шахсан биринчи дарсда туйганимдаги руҳий кечинмалар мана 8 йилким менга мадад-рағбат бахш этмоқда, десам муболаға бўлмас.

Отам даъватлари билан ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг биринчи курсини тугатибоқ ўқиб туриб, мактабда дарс бера бошладим. Илк бор ўқитувчи сифатида мактабга отланганимда география ўқитувчиси онам —Зарофат Мусаева барча оила аъзолари шоҳидлигида мени ўқитувчилар сулоласининг кенжа вориси бўлишим билан табриклаб, "аждодлар руҳи қўлласин" дея дуо айлаб, оқ фотиҳа бергандилар. Ўшанда, шу лаҳзадаёқ ўзимни бир ёшга улғайгандек ҳис қилгандим. Мактаб аталмиш даргоҳга қадам қўйгач, менга нотаниш чеҳраларнинг илтифоти айни вақтда баъзи беписанд боқишлардан ғаройиб ҳис таъсирини туйдим.

Сўнг хийла фахр ва ҳадик билан ўқитувчилар хонасига бош суқдиму, "Ассалому алайкум" дея бир зум эшик олдида тик турдим. Тўрда ўтирган кекса мураббий, мактаб директори Ашраф ака Ҳасанов алик олиб, қўл узатиб сўрашдилар-да, ўқитувчилар жамоаси диққатини жалб этиб, уларга мени "Ёш навқирон мутахассис, яна ҳам муҳими тобора озайиб қолаётган эркак ўқитувчилар сафини тўлдиради" дея мамнунлик билан таништиргач, ишимга муваффақият тиладилар. Бундай самимий илиқ муносабат мендаги ишонч ва ҳавасни янада оширди.

Қўнғироқ биринчи дарсга чорлар экан, дарс жадвали бўйича 10-синфга кирмоқ тараддудида эдим. Директор мени синфга ўзлари бошлаб киражакларини айтдилар. Илк дарсга ҳам директор ҳомийлигида кирдим. Директор ҳурмати ҳамда бегона киши — мендан ҳайиқишми, ҳарқалай, 30 га яқин ўқувчи, чивин учса билингудек осуда, тик қотиб турарди. Ўқувчилар билан саломлашилгач, директор жиддий оҳангда менинг исми-шарифимни айтиб, "бу йигит 4 йилдан сўнг шу мактабда менинг ўрнимга директор бўлади. Аммо ҳозирча сизларга географиядан дарс бериб туради. Мен чарчадим, яқинда маориф соҳасида иш бошлаганимга 50 йил тўлади", -деди.

Мутлақо хаёлимга келмаган бу гаплардан сўнг мен янада жиддий қиёфага кириб, беғубор, беташвиш болалик дамларим олис-олисларда қолиб, масъулиятли вазифалар оғушига чўмгандек бўлдим.

Биринчи дарс заҳмати-ла завқини татиб, яна ўқитувчилар хонасига кирдим. Директор оталарча меҳр ила елкамдан ушлаб: "Ўғлим, ихчам жуссанг боис ўқувчилар сўзингга қулоқ солмай қийнамасин, дея сени уларга бўлажак директор дея таништиргандим, аслида ҳали-ҳануз директорликни ҳеч кимга бермайман", дея ҳазил қилдилар.

Хулоса шуким, биринчи дарс масъулияти раҳбарлар фаолиятида ҳам яққол ифодаланади.

Ушбу мақола қўлёзмасини дидактика назарияси ва амалиёти бўйича менинг қиблагоҳим, отам — Фаёз Мусаевга кўрсатдим. Отам уни ўқиб бўлгач, "долзарб муаммо бўйича яхши фикрлар баён қилибсан", дея маъқулладилар-да... "менимча биринчи дарсга ўқитувчи қанча вақт тайёрланиши зарурлигини ҳам таъкидламоқ лозим. Лоақал биринчи дарсга ўзинг қанча вақт мобайнида тайёргарлик кўрганингни эслатсанг бўлармиди", дедилар. Мен ўтган ўқув йилини якунлабоқ биринчи дарсга тайёрлана бошлаганимни айтган эдим, "Бу — оз фурсат. Мана мен, бу янги ўқув йилида биринчи дарсни 42-марта ўтаман. Демакки, бу йилги биринчи дарсга 42 йил тайёрландим. Инчунун, ҳар бир ўқитувчи-устоз навбатдаги биринчи дарсда бутун фаолияти давомида орттирган илмий-педагогик салоҳиятини жамлаб, намойиш этмоғи лозим. Биринчи дарс масъулияти айнан шуни тақозо этади".

Қисқаси, отам ўгитларига изоҳнинг ҳожати йўқ эди.

Жаҳонгир МУСАЕВ,
ЎзПФИТИ илмий ходими, география фанлари номзоди

Гар мен ўтсам ушбу оламдан,
Излаб топар мен қолдирган ШЕЪР.

Британия ҳукумати 1000 га яқин йўловчини ташишга мўлжалланган ўта замонавий самолёт лойиҳасини яратиш режасини маъқуллади.

Ko'ngil bitiklari

ЧАЛА ДУНЁ ЧЎПЧАГИМИ СЕН УЧУН СЕВГИ

Адабиёт меҳри билан, ижодий ҳаяжонлар билан яшаётган элдошларимиз кўп. Эл оралаб юрсангиз юртимизнинг чекка-чекка қишлоқларида, хилват манзилларида шеъриятни, адабиётни қалбида катта муҳаббат билан ардоқлаб келаётган нурли чеҳраларни кўп учратасиз. Айниқса, уларнинг адабиёт ва санъат ҳақида ёниб-куйиб гапиришларини, ҳар бир адабий ҳодисага бефарқ эмасликларини кўриб қувонасиз.

Тожихол Раҳимова оддий ўқитувчи. Яккабоғда яшайди. Шеърлар ёзади. Имкон даражасида ўз туйғулари, кечинмалари, фикрларини шеърга тўкади. Бу дунёда оқ қоғоз билан юзма-юз қолиш бахти нақадар тотли.

Тожихолни шу бахтдан, шу илҳомдан айирмасин. Зеро, илҳомни худо беради. Ато қилинган илҳомдан ҳосил ола билиш эса, ижодкорнинг вазифасидир.

Эшқобил ШУКУР

Қўлларимга тутқаздинг қалам,
Дилга солдинг адоқсиз алам.
Ораман тополмай малҳам,
Тушунмадим тақдир ўйинин.

Зор кўнгилни хор қилар кўнгил,
Хор қилганга зор бўлар кўнгил.
Бу савдога ҳайронадир дил,
Тушунмадим тақдир ўйинин.

Сабоқ бўлди сен берган алам,
Таниб етдим дўст ким, ким душман.
Тополмадим дардимга малҳам,
Ва тушундим тақдирнинг ишин.

* * *

Мен куйладим тингламадинг,
Нени истайсан,
Мен чорладим қарамадинг,
Кимни кўмсайсан.
Фарёдимдан тоғ қулади,
Қилмадинг парво.
Ҳижронингдан дил йиғлади,
йўқ экан даво.
Чала дунё чўпчагими,
Сен учун севги.
Минг бир кеча эртагими
Мендаги куйги.

Ҳаёт деган бу бўстонда
Кезасан танҳо.
Севги деган бу маконда
Мен бўлдим даҳо.

* * *

Бу дунёда йўқ дема вафо,
Билсанг фақат сени изладим.
Ҳар нокасдан топдим бир жафо,
Ҳар йўлчига сендан сўзладим.

Умр оқар дарёдай оқар,
Билмам қайда тўхташ макони.
Қалб тубида соғинчлар ётар,
Кўришмоқнинг борми имкони?

Сарсон кезиб толар оёқлар,
Дилда фақат шу битта армон.
Қолар ўтли юракда доғлар,
Мени енга олмайди ҳижрон.

Тополмасдан ёнсам аламдан,
Йўлда тушар юракдаги нур.
Гар мен ўтсам ушбу оламдан,
Излаб топар мен қолдирган ШЕЪР.

Тожихол РАҲИМОВА,
ўқитувчи



Тоғ манзараси

Til bilgan el biladi

"БИРЖА" — "ҚОПЧИҚ"

Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳадаги ўзгариш ва янгиланишлар натижасида тилимизда брокер, сертификат, акция, фирма, биржа, фермер, парламент, тест, лицей, гимназия, коллеж каби юзлаб хорижий ўзлашма сўзнинг қўлланилиши фаоллашди.

Одатда тилдаги сўзлар қўлланиш даражасига кўра, икки гуруҳга бўлинади: фаол сўзлар ва нофаол сўзлар. Тилдаги сўзларнинг фаол қўлланиши шу тил жамоасидаги эҳтиёж маҳсули.

Биржа асли юнонча бурса-bursa сўзидан олинган бўлиб, "халта", "қопчиқ" деган маънони англатади. Кейинчалик биржа сўзи немис тилига, ундан рус тилига ва рус тили орқали ўзбек тилига ўзлашган.

Биржа сўзи тилимизда қимматбаҳо қоғозлар ва ҳар хил моллар, савдо-сотиқ қилинадиган йирик савдо муассаси, бозор маъноларида қўлланмоқда.

Биржа сўзи билан боғлиқ равишда тилимизда биржачи, меҳнат биржаси, фонд биржаси, валюта биржаси каби сўзлар ҳам қўллана бошланди.

Биржачи сўзи русча биржавик сўзининг ўзбекча муқобили бўлиб, биржа операциялари билан шуғулланувчи шахс тушунчасини англатади. Бироқ, ўзбек сўзлашув нутқида биржачи сўзининг маъно доираси торайиб, оддий савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланувчи шахсларга нисбатан ҳам ишлатилмоқда .

Меҳнат биржаси бирикмаси арабча меҳнат ва юнонча биржа сўзларининг бирикувидан шакл-ланган бўлиб, ишга ёллаш ва ёлланиш жараёнида ишчи ва раҳбар "хўжайин" ўртасида воситачилик қилувчи муассаса маъносини англатади. Масалан, Наманган вилоят меҳнат биржаси, Чуст туман меҳнат биржаси.

Дилноза ОРИПОВА,
Наманган Давлат университети жаҳон тиллари факультети 4-курс талабаси.

Xullas...

КЎЗИ ОЖИЗЛАРГА МОСЛАМА

Нью-йорклик олим, доктор Уильям Добалл кўзи ожизларга ёрдам бериш ниятида антиқа бир мослама яратди. Бунинг учун кўр одамнинг миясига "жойлаштирилган" электрод ва кўзойнакка жойлашган митти телевизор керак бўлади. Ушбу нарсалар ўрнатилгач, кўзи ожизлар соғлардек аниқ-тиниқ кўрмаса-да, йирик ҳарф ва рақамларни ажрата бошлайди. Мазкур мослама, ҳали айтганимиздек, кўзойнакка жо бўлган митти телекамера ва узоқдан бошқариладиган ультратовушдан иборат. Кўр одам ёнида олиб юрадиган халтачага компьютер жойланади, турли мосламаларга уланган нозик симлар сигналларни шу компьютерга, ундан эса мия билан боғланган электродларга узатади.

Добалл ихтиро қилган бу мослама Америкадаги кўзи ожизларга қувонч бағишламоқда.

"УМРИ" УЗОҚ БЎЛСИН!

Британия ҳукумати 1000 га яқин йўловчини ташишга мўлжалланган ўта замонавий самолёт лойиҳасини яратиш режасини маъқуллади. Ҳисоб-китобларга қараганда, уни вужудга келтириш учун 530 миллион фунт стерлинг (900 млн. АҚШ доллари) сарфланар экан. Янги самолётни Британия матбуотида "учувчи мамонт" деб аташаяпти. "Аэробус" бирлашмасининг бу маҳсулоти умумий таннархи 7,5 миллиард фунт стерлинг ёки тахминан, 12,5 млрд долларни ташкил этади.

Ҳаво лайнери энг улкан ва маҳобатли йўловчи самолёти "Боинг — 747"ни "доғда" қолдиради. Лойиҳачилар янги самолётда уйқу хонаси, бар, спорт зали бўлажаклигини назарда тутишган. У "Боинг — 747"га нисбатан 20 фоиз кам ёнилғи сарфлайди.

Аср бошида қурилган машҳур сув кемаси "Титаник" ҳам худди шундай шов-шувларга сабаб бўлган эди. Унинг фалокати эса ҳалигача унутилган эмас. Ишқилиб, британиялик самолётсозларнинг, яратилажак ҳаво кемаси узоқ "умр" кўрсин!

БОЛАКАЙГА РАҲМАТНОМА!

Беш ёшдаги Дима Романов деган болакай сув ҳавзасида чўмилар экан, ғалати топилмага дуч келди. У ғалати нарсани қадимий сув ҳайвонларидан бўлса керак, дея геология музейига келтирди.

Мутахассисларнинг таъкидлашига қараганда, бу топилма қадимги калтакесакни эслатади. Динозавр намуналаридан бирини келтиргани учун музей маъмурияти Димага раҳматнома эълон қилди.

Бизнинг давримизда катта ёшли кишиларнинг ҳаммаси ҳам миннатдорчилик олавермайдилар. Дима эса бундай туйғуни англайдиган ёшга ҳам етгани йўқ. "Ақл ёшда эмас, бошда" деб шунга айтадилар...

ana shunaqa gaplar...

Sport

ЭРОН — 2000

12-26 ноябрь кунлари Эронда 19 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги 32-Осиё чемпионати ўтказилади. 3-саралаш гуруҳида иштирок этаётган Ўзбекистон терма жамоаси учта ўйин ўтказиб, Қирғизистон жамоасини 3:1, Яманни 3:2 ҳисобида мағлуб этишди. Саудия Арабистони терма жамоасига эса 2:3 ҳисобида ютқазган ёшларимиз охирги ўйинни бугун БАА терма жамоаси билан ўтказадилар.

ҲАРБИЙ СПОРТЧИЛАР ЮТУҒИ

Мамлакатимиз Қуролли Кучлари спортчилари Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган Ҳарбий бешкураш бўйича Европа очиқ биринчилигида қатнашдилар. Граната отиш бўйича ҳарбий спортчи А.Токарев, 50 метрга тўсиқлар оша сузиш бўйича А.Леонов, 8000 метрга югуриш бўйича И.Кибирев 2-ўринни эгаллади. Шунингдек, иккинчи тур бўйича команда ҳисобида ҳам фахрли 2-ўрин забт этилди.

"НЕМИС МАШИНАСИ" КУЧАЙМОҚДА

Германия терма жамоаси бош тренери Руди Фёллер миллий терма жамоа сафида иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлмади. Яқинда Фёллер терма жамоанинг собиқ ўйинчилари Андреас Брене ва Лотар Маттеус бош тренер ёрдамчиси бўлиб ишлашдан воз кечишганидан кейин бу лавозимга "Боруссия" жамоасининг собиқ тренери, 34 ёшли Михаэль Скиббени таклиф қилди.

"ТУРОН" — ҚАДИМИЙ ЯККАКУРАШ

25-27 август кунлари Нукус шаҳрида мамлакатимиз мустақиллигининг 9 йиллигига бағишлаб "Турон" якка кураши бўйича халқаро мусобақа ўтказилади. Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон, Россия спортчилари ғолиблик учун беллашадилар.

Беллашув турли вазн тоифали эркаклар ва аёллар ўртасида ўтади.

МЕНДЕС — ҚОЗОҒИСТОН ФУҚАРОСИ

Бразилиялик 24 ёшли ҳужумчи Нилтон Перейра Мендес Қозоғистон фуқаролигини қабул қилиб, ушбу мамлакат миллий терма жамоасида ўйнаш истагини билдирди. Россиянинг "Жемчужина" клубидан "Иртиш" сафига ўтган футболчининг терма жамоага қўшилишига бош мураббий Воҳид Тоғаев розилик берди.

maydonchasi

ҲАЁТИЙ ҲАНГОМАЛАР

Журналистлик касби қизиқ. Доимо одамлар билан мулоқотда бўлишга тўғри келади. Ижодий сафарларда турли кишилар билан учрашасиз, одамлардан қизиқ ҳангомалар эшитасиз. Баъзан йўлда кулгули ҳодисаларга дуч келасиз. Қуйидаги ҳаётий ҳангомалар шулардан айримлари холос...

МУХБИРЛАР БОЙ БЎЛИШАДИ

Муҳарририятимизга мени излаб ҳамқишлоғим Кўчим Райимқулов келган экан. Ижодий сафарни тугатиб қайтсам, масъул котиб хонасида ўтирарди. Ўша хонада меҳмон билан суҳбатлашиб қолдик.

—Мухбирлар бой бўлишарканку, — деди кулиб ҳамқишлоғим.

—Нега? — дедим ҳайрон бўлиб.

—Битта мақолага минг сўм олгандан кейин... — деди Кўчим.

Меҳмон кетгач воқеа билан қизиқдим. Маълум бўлишича, ҳамқишлоғим олдида масъул котибимиз Рауф Соатов (ҳозир бош муҳаррир) газетамиз охирги сони мақолаларини ҳисоб-китоб қилибди. Менинг ўша сонга кўпроқ мақолам кетиб 1000 сатр ёзибман. Ҳамқишлоғим битта мақолага мухбирлар минг сўм гонарар ишлар экан, деб ўйлабди. Ахир, масъул котиб менинг фамилиям тўғрисига "1000" деб ёзиб қўйган эканда.

"АЛЛО, МЕН КИММАН"

Газетага ишга келган йилларим эди. Бир куни телефонимиз одатдагидек кетма-кет жиринглади. Гўшакни кўтардим.

—Алло, газетами?

—Ҳа, эшитаман, — дедим.

—Мен Кимман? — деди нотаниш кимса.

Ҳазиллашаётган ким экан, деб гўшакни жойига қўйиб қўйдим. Бироздан сўнг яна қўнғироқ, яна ўша овоз:

—Алло, қишлоқ хўжалик бўлими, танимаяпсизларми, мен кимман?

Жаҳлим чиқа бошлади. Аччиқланиб гўшакни яна жойига қўйдим. Қасдига олгандай номаълум шахс телефон қилишни тўхтатмасди.

Гўшакни олдиму бақира бошладим...

—Ахир, мен туман қишлоқ хўжалик бошқармаси бош зоотехниги Виллорий Сергеевич Ким бўламан. Зарур иш билан қўнғироқ қилаяпман...

Виллорий ака соф ўзбек тилида гапиришини эшиттандай бўлгандим. Фамилияси Ким экан. Виллорий Сергеевич бизни эртанги туман чорвадорлар кенгашига таклиф қилмоқчи экан.

БИЗДА ИШЛАМАЙДИ

Эрталаб муҳарририятга ишга бораётганимда ҳар куни газета дўконидан янги кундалик нашрлардан олиб ўтиш одатим бор. Бир куни қизиқ бўлди. Дўконда кексароқ сотувчи ишлаётган экан.

—"Саодат" келмадими? — деб журналнинг янги сонини сўрадим.

—Йўқ, ўғлим, унақа қиз бизда ишламайди, — деди сотувчи пинагини бузмай.

ОВОРА БЎЛМАНГ, ОТАХОН!

Ёз кунларидан бири. Ҳаво иссиқ. Идорамизга "Пахтазор" ширкатлар уюшмасидан бир таниш отахон кириб келди. Котиба қизимизга ҳужжат нусхасини ёздирмоқчи экан. Котиба тушликка кетганлиги боис ходимимиз Қаҳрамон Хожиевдан машинкада ҳужжатни ёзиб беришни илтимос қилдик. Чунки у машинкада тез ва соз ёзишни биларди.

Ҳужжатнинг охирги қаторлари ёзилаётганди. Отахон чўнтагини кавлай бошлади. Охири топди шекилли, қўлини чўнтагидан секин чиқарди. Қаҳрамон "Менга хизмат ҳақи бераётибдими, олсам уят бўлар", деб ўйлаб:

—Отахон, овора бўлманг, — деб юборди.

Отахон эса гапнинг маъносини тушунмасдан:

—Шу даштрўмолни тополмай қийналдим-да, қаричилик-да, — дея бизга ўгрилди.

Отахон пешонасини артди. Биз эса ҳижолатдан қутилгандай бўлдик.

Абдураззоқ БУРЛИЕВ,
Сирдарё туман "Сирдарё" газетаси ходими

А.Авлоний номидаги ХТХМОМИ 2000 йилнинг сентябрь ойида қуйидаги тоифалар бўйича курсларни режалаштирган

№ ТОИФАЛАР	Қайси тилда	Курс ўтказ. вақти	Мудати
1.Умумий ўрта таълим мактаб директорлари курси (мутахассислиги ўзбек тили ва адабиёти)	Ўзбек	11-30	18
2.Умумий ўрта таълим мактаб директорлари курси (мутахассислиги тарих-география)	Ўзбек	11-30	18
3.Умумий ўрта таълим мактаб директорлари курси (мутахассислиги химия, биология ва физика)	Ўзбек	11-30	18
4.Умумий ўрта таълим мактаб директорлари курси (мутахассислиги математика ва информатика)	Ўзбек	11-30	18
5.Умумий ўрта таълим мактаб директорлари курси (мутахассислиги рус ва хорижий тиллар)	Ўзбек	11-30	18
6.Умумий ўрта таълим мактаб директорлари курси (директорлик лавозимида 5 йилгача ишлаётганлар)	Ўзбек	11-30	18
7.Умумий ўрта таълим мактаб директорлари курси (директорлик лавозимида 10 йилдан ортиқ ишлаётганлар)	Ўзбек	4-16	12
8.Умумий ўрта таълим мактаб директорлари курси (директорлик лавозимида 10 йилдан ортиқ ишлаётганлар)	Ўзбек	18-30	12
9.Туман(шаҳар) ХТБ ижтимоий фанлар методистлари	Ўзбек	11-30	18
10.Спорт мактаби директор муовинлари курси	Ўзбек	18-30	12
11.ЧЁТ раҳбарлари	Рус	4-16	12
12.Жисмоний тарбия дарсларини миллийлаштириш (Наманганда)	Ўзбек	11-16	6
13.Туман(шаҳар) ХТБ мудирларининг маънавият ва тарбия ишлари бўйича ўринбосарлари	Ўзбек	18-30	12
14.Мактабдан ташқари таълим мажмуаси (Ёш табиатшунослар ва экологлар маркази директор ўринбосарлари)	Ўзбек	4-16	12
15.Мактаб амалиётчи психологлари	Ўзбек	18-30	12
16.Рус тилида ўқитиладиган ёрдамчи мактаб-интернатларининг математика ўқитувчилари	Рус	4-16	12
17.Ёрдамчи мактаб ва кар болалар мактаб-интернатларининг бошланғич синф ўқитувчилари (Сурхондарёда)	Ўзбек	18-30	12

Тингловчилар учун Марказий институт тасарруфидаги кутубхона, қироатхона ва бепул ётоқхона хизматда бўлади. Курс харажатлари Марказий институт ҳисобидан тўланади. Тошкентга келиш ҳақи фақат темир йўл ва автобус билетларига тўланади.

Курс давомида тингловчилар учун таниқли педагог олимлар янги ўқув режа, дастур, стандартлар ҳақида маърузалар қиладилар, санъаткорлар, матбуот ходимлари билан учрашувлар ва Амир Темур музейи, Хотира, Шаҳидлар майдони ҳамда бошқа адабий-маданий масканларга экскурсиялар уюштирилади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент—95. Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6-уй. *Транспорт:* **Шимолий темир йўл вокзалидан *20*-троллейбуснинг Талабалар шаҳарчаси бекатигача.**

ХАЛҚ ТАЪЛИМ РАҲБАРЛАРИ!

Мактабгача таълим муассасаси ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи Республика курси 2000 йилнинг сентябрь ойида қуйидаги тоифалар бўйича режалаштирилган:

1. Мактабгача таълим муассасаси раҳбарлари;
4.9. - 30.09.2000й.
2. Мактабгача таълим муассасаси услубчилари;
4.9. - 30.09.2000й.
3. Мактабгача таълим муассасаси мудиралари:
4.9. - 23.09.2000й.
4. Мактабгача таълим муассасаси логопедлари:
4.9. - 23.09.2000й.

Курс давомида тингловчиларни таниқли педагог олимлар, санъаткорлар, матбуот ходимлари билан учрашувлар ва "Темурийлар тарихи" ҳамда бошқа маданий масканларга экскурсиялар уюштирилади.

Тингловчилар учун курс тасарруфидаги кутубхона, қироатхона, бепул ётоқхона хизматда бўлади. Курсда болали тингловчилар учун болалар хонаси мавжуд. Суткали ва йўл ҳаражатлари курс ҳисобидан тўланади.

Манзилимиз: Тошкент — 95. Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6-уй.

Транспортлар:
Жанубий темир йўл вокзалидан 8-троллейбуснинг "Талабалар шаҳарчаси" охирги бекат.

Ma'rifat
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ
Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.
Газетани IBM компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
Навбатчилар:Шарифа МАДРАҲИМОВА, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-717. Тиражи 19.706.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00.